

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган.

©№ 72 (6. 861)

1989 йил 27 март, душанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

Тошкент, 1989 йил 26 март

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 23 март куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети 1989 йил март, пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган амалий масалалар муҳокама этилди ҳамда уларни бажариш борасида партия, совет ва ҳукулат органларининг қўриқ вазиёларини белгиланди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советининг аҳолига солиқ солиш тартиби ва миқдорларини қисман ўзгартириш тўғрисидаги қарорларини муҳокама қилди. Шундай қилиш социал адолат принциплари мусул бўлиб тушди.

Солиқ ислоҳотини амалга оширишга киришни мақсадга мувофиқ деб топилди, бундан кутилган пироваз қиссад гражданининг даромадларидан универсал тарзда солиқ олишга, аҳолининг кам ҳақ тўланадиган гуруҳларини ш ҳақдан солиқ қўйишга қаратилган катта дарамад оладиган категорияларга солиқни оширишга ўтишдан иборатдир. Ушбу масалани тайёшлаш ва Сиёсий бюрода муҳокама қилишда умумийсиёсий илораларнинг мутахассислари ҳамда раҳбарлари, шунингдек С. А. Шалаев, В. Н. Кудрявцев, Г. И. Абалкин, А. Г. Аганбегян, Е. М. Примаков ва бошқа ўртоқлар иштирок этилди. Аҳолига солиқ солиш тартиби ва миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги лойиҳани жамоатчиликнинг муҳокама этиши учун матбуотда эълон қилиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда ҳисоб техникаси воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш программалари қандай амалга ошириладигани қўриб чиқилди. Масалани муҳокама қилишда бош конструкторлар, бир қанча корхоналарнинг, таъкилотлар ва илмий марказларнинг раҳбарлари қатнашди. Ана шу воситаларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қўлланаш масалалари мамлакатнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини ва илм-фан ютуқларини ҳисобга олиб аниқ изчил ва зўр тайёрлаш билан этила бошланганлиги қайд этиб ўтилди. Бу эса мамлакатнинг информатизациялаш учун ҳаётини муҳим бўлган муаммоларини, яъни замонавий супер ЭХМ ва шахсий ЭХМларни, программалар билан таъминлаш системасини яратиш муаммоларини амалга оширишга киришни, татлим системасини компьютерлаштиришга бошлаш имконини берди.

Айни вақтда ушбу тематика бўйича ишларни жадаллаштириш, истиқболни назарда тутиб уларни комплекс амалга ошириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Халқ хўжалигида ҳисоб техникаси воситалари, айниқса шахсий ЭХМ ва жойларда машина-ускуналар ниҳоятда тақчиллиги ҳали ҳам сезилиб турибди, шундай техникани қўлаб ишлаб чиқаришни ташкил этишда, зарур илмий заминни вужудга келтиришда камчиликлар бор. Марказий Комитет Сиёсий бюроси бир қанча министрликлар ва идоралар раҳбарларининг диққат-эътиборини белгиланган программаларни бажаришда йўл йилган камчиликларга қўйиб эти ҳамада уларни жуда қисқа муддатларда бартараф этиш мажбуриятини юмлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачёвнинг БСШП Марказий Комитетини Сиёсий бюроси аъзоси, БХР Министрлар Совети раиси М. Немет билан суҳбати ҳамда Н. И. Рижковнинг у билан олиб борган музокаралари ақунларини маъқуллади. Ана шу суҳбат ва музокарада КПСС билан БСШП социализмининг амалий вазиёларини ўз мамлакатларига хос шароитларга мувофиқ равишда ҳал эта бориб, уни янгилашга бир хилда ёндашаётганликлари яна бир бор таъкидланди. Асосан янги, ноанъанавий алоқа шаклларида фойдаланиш негизда СССР билан БХР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ҳусусида эришилган аҳдлашувларини рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирлар белгиланди.

М. С. Горбачёв, В. А. Медведев ва А. Н. Яковлевнинг Португалия Компартияси Бош секретари А. Куньял билан суҳбати ақунлари қўриб чиқилди. Португалия коммунистлари совет жамаининг революцион тарзда қайта қуришни фаол йўналиш-қувватлаб, уни социализмининг гоят катта имкониятлари намойи бўлиши деб билаётганликлари мамнуният билан қайд этилди. Суҳбат ҳозирги замоннинг асосий муаммолари ҳусусида КПСС билан ПКПнинг қарашлари муштараклигини яна бир бор далолат берди.

Е. К. Лигачёвнинг Чехословакия Социалистик Республикасида қилган амалий визити ақунлари тўғрисидаги ахбороти тингиланди. КПССнинг ЧКП билан доимий ўртоқларча бирдамлиги, ҳар иккала томон мамлакатларимизда социализмин янгилан манфаатларини қўлаб Совет-Чехословакия ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ҳаракати имкониятларидан фойдаланишга бўлган иштиёқ қайд этиб ўтилди. Агрорасаноат комплексини ривожлантиришда СССРнинг таърибисидан фойдаланиш агар секторда Совет ва Чехословакия корхоналари ўртасидаги бевосита алоқаларини кенгайтириш, оммавий қасб қарларининг, мутахассисларнинг, қолхоз ва совхоз раҳбарларининг стажировкаларини ўтказиш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Н. Н. Словнов бошчилигидаги КПСС делегациясининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг 1989 йил 6—7 март кунлари Прагада иқтисодий масалаларга бағишлаб ўтказилган кенгашидаги иш ақунларини қўриб чиқди. Кенгашида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларини социал-иқтисодий ривожлантириш ва улар ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатининг долзарб масалалари юзасидан ўтказилган рўй-рост фикрлашувлар ҳамкорлигининг ҳолатига ва уни қайта қуришнинг принципиал йўналишларига, иқтисодий усуллардан кенг фойдаланиш асосида социалистик интеграциянинг янги сиёсати нисбатан қардош партиялар ёндашувларининг бирлигини мустаҳкамлашга қўмақлашганлиги ўқтириб ўтилди.

Миллий хўжалик ҳисоби бўғинларининг кенг қўламдаги бевосита ҳамкорлигини ўтиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар ҳақида кенгашида айтилган тақлифларнинг муҳимлиги таъкидланди, бу эса Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги манфаатдор мамлакатларнинг бирлашган бозори шарт-шароитларини босқичма-босқич яратиб боришни назарда тутди.

Кеча эрта тонгдан бошлабқ сарайов участкалари одамлар билан қўвжум бўлди. Эшикдан баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кириб келаётган сарайовчилар оқимининг кети узилмайди. Улар ўзларининг энг муносиб номзодлари учун овоз беришга шойишлишади. Бу йилги сарайов ҳеч қимми лоқайд қолдирмади. Минг-минглаб кишилар қатнашган сарайовда музокаралари қўриб чиқилди баҳс ва тортишувларга бой бўлди.

26 март эрталаб соат 6.30. 598-Тошкент-Киров территориял сарайов округига қарашли 40/91 сарайов участкасида. Участка раиси Умида Қодирова саволларимизга аниқ ва пухта жавоб беради. 19 кишидан ташкил топган комиссия аъзолари ўз ўринларини эгаллашган. Овоз бериш учун ҳамма нарсга тахт, Тўрт сарайов набияси ва бюллетенлар ташланадиган қутилар шай қилиб қўйилган.

Соат миллари 7 га яқинлашмоқда. Хонага биринчи бўлиб, ёшгина қиз ва ўрта ёшли аёл кириб келишди. Улар билан ташидик.

— Покиза Жалиловаман. Киров районидаги 26-поликлиникада ҳамшира бўлиб йшлайман. Қизим Гулнора эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи-мотористка.

— Сарайовда биринчи марта овоз бераётганимдан бахтиёрман, — деди Гулнора Жалилова бизга.

— Сизни ушбу айёмингиз, билан чин дилдан табриклаймиз. Агар сир бўлмаса, айтингчи, ким учун овоз бермоқчисиз?

— Биз оиламиз билан Хайрулла Ҳусанович Рўзиев учун овоз беришга аҳд қилганмиз.

— Сабаб?

— Чунки, у ишчилар синфининг вакили. Одатда бундай оддий киф ағалари халқ ҳаёти билан яқиндан таниш бўлишади. Унинг талаб ва эҳтиёжларини яқин билдилар. Шундай экан, улар эл-юрт манфаатини учун астойдил бел боғлашлари, келажак

Ҳар бир сарайовчи чинакам ишлайдиган, юрт ва эл манфаати учун жон куйдирадиган номзодни ёқлаб чиқди. Мана, ниҳоят қайта қуриш даврининг биринчи сарайов кампанияси лойиҳага етмоқда. Номзодлар сўнгги бор сараланмоқда. Шаҳримиздаги сарайов сарайов округи бўйича сарайов комиссиялари рўйхатга олган 14 номзоддан кимлар СССР халқ депутатлигига лозим деб топилди. Буни ақуний ҳисоб-китоб кўрсатади.

орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида фидойи бўлишлари табиий.

Суҳбатимизга қўшилиётганларнинг сони тобора кўпайиб боради. Улардан бири 80 ёшли Геннадий Александрович Смирнов бўлди.

— Биласизми, Рўзиевнинг программаси бизга маъқул келди. Унда баландпарвоз, дабдабали сўзлар йўқ. Программаларда бутунги кунининг долзарб муаммолари қамраб олинган. Жумладан, унда: «Жамият-ҳаётнинг ҳамма соҳасида демократияга эришиш, маҳаллий Советларнинг тўла ҳуқуқлигини шакллантириш, пахта тайёрлаш планининг қайта қурилиши ҳисобига экиндан бўшаган майдонларда қорвачиликни ривожлантириш, сабазот маҳсулотларини кўпайтириш, уй-жой проблемасини ҳал этишда 2000-йилгача ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлашга эришиш лозим», дейилди. Хўш, ҳозир бу сўзлар кимларни тўқилантирмапти? Ахир бу дилмиздаги айни муқддолар-ку!

Асбосозлик заводининг ишчилар ошқонасига жойлашган 57/108 сарайов участкасига етиб келганимизда соат 8 га яқинлашиб қолган эди. Бизни Мир Насриддинов Галлаутдинов кутиб олди.

— Сарайов участкасининг раисиман. Марҳамат, сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришим мумкин.

— Участкада нечта сарайовчи бор?

— 1941 киши. Ҳозиргача тахминан улардан 500 нафари овоз бериб бўлишди.

Кеча мамлакатимиздаги барча территориял ва

миллий-территориял сайлов округлари бўйича

СССР халқ депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

Совет халқи қайта қуриш учун, демократия учун

яқдиллик билан овоз берди.

Газетанинг шу сонига фоторепортаж

Сарайов қутиси олдидан эндигина узоқлашган ўрта ёшлардаги кишини суҳбатга жалб этдик.

— Исмин Нуриддин, фамилиям Куртвиев. Миллатим қрим-татар.

У ҳам Хайрулла Рўзиевга овоз берибди. Сабабини сўрадик.

— Унинг программаси бизга ёқиб тушди. Масалан, программанинг биринчи бандида шундай дейилди: «Республикамизда яшаётган ҳамма миллат ва халқларнинг буткул тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, ўзаро муносабатларда юксак маданиятни бўлиш, ҳўрмат, урф-одатларни қамситмаслик, тарих, маданият, тил ва санъатни юксалтиришга эришмоқ лозим». Миллат ва элат тақдирини ҳақида жон куйдирадиган Рўзиевдек инсонлардан келгусида кўп ақилликлари кўса бўлади.

Анор Шамаевнинг миллати арман. У ҳам юқоридаги сўзларни тасдиқлади.

— Ўзим узоқ йиллардан бери Тошкентда истиқомат қилаётган бўлсамда, туғилиб ўсган она-ерим Арманистон бошига тушган табиий офатдан қаттиқ изтиробга келдим. Арман биродарларига биринчи бўлиб Ёрдам қўлини чўзган ҳам ўзбекистонлик ишчи ва қурувчилар. Уларнинг дўстона туйғулари, ўзбек халқига бўлган меҳрини янада ошириб юборди. Шунинг учун ҳам мен Рўзиевнинг номзодини қўллаб-қувватладим.

Кўпрофилли 3-шаҳар касалхонаси бисосида жойлашган 17/68 сарайов участкасига сўхобатимиз ҳам қизиқарли бўлди. Участка раиси ўринбосари Шавкат Ёқубов бизга сарайовнинг бориши ҳақида қисқача тушунча берди. Участкада 2300 та сарайовчи бор. Биринчи бўлиб кўпболали Аҳмедовлар оиласи овоз беришибди.

596-Тошкент—Ақмал Икромов территориял сарайов округи томон йўл олди. Мана, Тошкент таъриб-механика эксперименталь ускунасозлик ва техник мосламалар заводи қошида ташкил этилган 51/91 сарайов участкаси. Эшикдан чиқаётган бир гуруҳа кишиларга мурожаат қилдик.

— Ўзларингизни таништирсангизлар?

— Ҳаммамиз бир оиладанмиз, — дейишди улар.

Пўлатовлар оиласи аъзолари сарайовни

мана шундай ақиллик ва шоду-хуррамлик билан кутиб олишяпти. Улар Клара Носировна Рўстамова учун овоз беришибди.

— Унинг меҳнатсевар ва қатъиятлилиги бизга ёқди. Жамоат ишларида актив қатнашади, Ўзбекистон Компартияси ХХІ съезди делегати. Октябр район партия комитетининг аъзоси. Қолаверса, район Советининг депутати сифатида катта таърибага эга. Шундай заҳматқаш инсон халқ манфаати йўлида астойдил ишлашга ишонамиз, — дейишди улар.

Шу округга қарашли 40/80 сарайов участкаси чинакам байрамона безатилган. Бу ерда биз сарайовчилар Асом Баҳомов ва Гафур Ниёзовлар билан суҳбатлашдик. Қозоқ ва тоjik миллатидан бўлган бу икки қурувчи Йўлдош Тожиёвич Ақбаров учун овоз беришди.

— Унинг программаси халқчилиги билан ажралиб туради, — дейди Асом Баҳомов. — Кейин у сарайовдаги учрашувларида ўзининг катта таърибага эга эканлиги ва ишчанлигини намойиш эта олди.

Журжоний номли маҳалладаги 33/73 сарайов участкаси раиси Жанна Босировна Сиростанова суҳбатидан:

— 1747 та сарайовчи бу ерга келиб, ўзларининг энг муносиб кишилари учун овоз беришади. Кириб келаётган сарайовчилар кайфиятида чинакам ошқоралик ва демократия руҳи шундоққина сезилиб турибди. Улар қайта қуриш учун, турмушимизнинг демократия асосларини қарор топтириш учун, ҳоқиятнинг эртанги органларига умумхалқ ишони учун овоз берадилар.

Шу кун биз бошқа сарайов округларида ҳам бўлидик. Сарайовни шодивалик билан кутиб олаётган турли миллат вакилларидан иборат меҳнат аҳли билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳар бири бу йилги сарайов чинакам демократия руҳида ўтаётганлигини тасдиқлади. Барча сарайов участкаларида умумхалқ байрами — СССР халқ депутатлари сарайовига пухта таъйёрларини қўриб-танитининг гувоҳи бўлидик.

М. КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: сарайов шодиваларидан лавҳалар акс эттирилган.

Т. Каримов фотолари.




Хотин-қизлар кенгаши счётидан

Тошкент «Қизил тоғ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоат таъкилотлари корхона ҳодимларига бевосита моддий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлибди. Энди хотин-қизлар кенгаши, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши ана шу мақсад учун завод кассасидаги ўз счётидан пул олиши мумкин. Уларга корхона оладиган фойдадан йилгача етмиш минг сўм ажратилмоқда.

— Бирлашма кассага союзу комитети бу жамоат таъкилотлари амалда мустақилликка

эга бўлишлари учун шундай қарор қабул қилди, — дейди кассага союзу комитетининг раиси М. Одилова. — Йилгача жамоат таъкилотларининг илти-мослардан бошлари чиқмасди. Уларнинг «ўз» пулларига эга бўлиш оёбўларинингига кўтариб қолмай, бу таъкилотлар учун реал имкониятлар яратди. Шунингдек, уларнинг одамлар олдиданги масъулиятини оширди.

Коллективда социологик тадқиқот ўтказган жамоатчилар моддий ёрдамга жуда муҳтож кишиларни аниқлади.



27 МАРТАДАН 2 АПРЕЛГАЧА

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтада баҳорга хос об-ҳаво ҳукм суради. Емгири кунлар қувшли кунлар билан алмашиниб туради. Ҳафтанинг бошларида

ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечаси 7—12 даража, кундузи 20—25 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг ўрталарида бутун республика территориясида кундузги ҳаво ҳарорати пасайиши қутилмоқда. Қисқа тамафусдан сўнг бекарор об-ҳаво яна қарор топади. Аммо бунда ҳароратнинг кескин ўзгариши қутилмайди.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин бўлади.

Н. А. Семашко номиди ре-абилитация ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти ме-дик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдинчи олиш маркази мутахассисла-рининг фикрига қараганда ик-ли нормасидан деярли фарқ қилмайдиган бундай об-ҳаво шароитлари об-ҳаво ўзгариш-ларига таъсирчан беморлар-ларнинг аксарияти салбий реак-ция бермайди. Шу билан бир-га ҳафтанинг ўрталарида об-ҳа-вонинг ўзгариши ноҳуш иқлимга хос салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда юракнинг ише-

мик ҳасталиги, бош мия қон томирлари ва яллиғланиш ҳасталиклари, бўғин ҳасталик-лари, айниқса ревматоидли полиартрит ҳасталиги бўлган беморларнинг аҳоли оғирла-иши эҳтимоли бор. Профи-лактика мақсадида юрак-қон томир ҳасталиклари бўлган бе-морлар метеопатик реакция-ларнинг олдини олиш учун қон босимини ўлчаб туришла-ри, зарур ҳолларда доловачи врачнинг тавсияси билан қон босимини мўътадил-

лаштирувчи антиспастик препа-ратларни қабул қилишлари ло-зим.

Таянч-ҳаракат аппарати ҳасталиклари бўлган беморлар ўзларини совуқдан эҳтиёт қи-лишлари, врач кўрсатмаси би-лан оғирқин қолдирувчи дори-дармонларни қабул қилишлари керак. Шу тоифадаги барча беморлар жисмоний зўриқиш-ларни ва доловаш-жисмоний муолажаларни чеклашлари за-рур.

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланган Пленуми олдида

ЎЗБЕК ва тоjik халқлари ўртасидаги ҳамкорлиги дўстлик қўна тарихимизнинг олтин зарварларига билинган. Зероки, азалий қардош бу икки халқ қадимлаймдан бир заминда ёнма-ён яшаб, моддий ва маънавий бойликлар яратиб келган, чет эл босқинчиларининг таъвозуни ички феодал бешовчиларига қарши бақамти курашган, турмуш аччиқ-чуқуларини биргаликда тоштиган. Тақдирдошлик, ҳамзаминлик уларнинг турмуш тарзини: тўй-томошаси, ўрғ-оқати, эътиқоди, касб-корини либосини ҳам муштарак қилган.

Ана шу ҳамкорлик ҳар икки халқ тарихига доир асарларда, адабларимиз ва олимларимиз фаолиятида ҳам чуқур илдиэ отган. Чунончи, Панжакентдан топишган ҳужжатлардан бирида (VIII асрнинг биринчи чораги) турк йигити Уттегиннинг тоjik қизи Дугрончага уйланиши тафсилоти битилган. Бошқа бир ҳужжатда эса Панжакент ҳокими Девастичнинг Чоч (Тошкент), Қўқон, Фарғона бекликлари билан эътиқод алоқалари, босқинчи арабларга қарши, биргаликда курашга даъвати ифодаланган.

Ўрта Осиёда қадимдан бирга яшаб келатган форсигўй ва туркийзабон халқлар ўртасидаги адабий, илмий-маданий яқинлик азалдан мустаҳкам. Бу халқлар орасидан етишиб чиққан Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Махмуд Хўжаидий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Махмуд Қошғарий сингари қомусий билим соҳиблари Шарқнинггина эмас, балки бутун дунё илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

XV ва XVI асрлар тоjik ҳамда ўзбек адабий алоқалари тарихида янги бир давр бўлди. Зеро, бу асрларда бадий ижодда икки тилилик чуқур илдиэ отди, икки халқ орасидан етишиб чиққан руҳан муштарак санъаткорларнинг ижодий ҳамкорлиги, устоз-шогирдлик, маънавий бирлик анъанаси вужудга келди: ижодкорларнинг ёл ташлангларга устозлиги, ҳомилийги каби түб интернационал хислат пайдо бўлди; биродарлик ҳиссининг бадий адабиётда инъикоси вужудга келди.

Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги маънавий бирлик, устоз-шогирдликни олимларимиз ўзбек ва тоjik адабий ҳамкорлигининг олтин чўққиси деб атайдилар. Чунки Жомий ўз шогирди Навоийни ҳамшира руҳан қўлаб-қувватлаган, унинг маслаҳат ва хоҳишларини баъжонидил қабул қилган.

Жомийнинг деярли барча асарларида Навоий таърифта бағишланган мадҳиялар мавжуд. Уларда улуг ўзбек шоири бекиёс истеъдод соҳибни, Шарқдаги энг улкан санъаткор, илм-фан аҳли, халқ гамини ейдиган одил давлат арбоби сифатида таъриф-

ланади; агар Жомий биринчи девони «Фатҳат — уш шабо» деб очасида Навоийга «уни халқ севгани учун таърифта сиймайди» деб баҳо берган бўлса, «Хафт аврант»да Навоий «Хамса»сини форсий тилда ижод этган барча ҳамсанавиларнинг асарларидан юксак деб таърифлаган.

Алишер Навоий асарларининг биринчи ўқувчиси ҳам Жомий бўлган. Бу ҳақда Навоий «Сади Искандарий»да алоҳида фикр баён этган. Навоий «Хамса»сининг ҳар бир достонида Жомий таърифига бағишланган боблар мавжуд. Уларда автор Жомийни даҳо санъаткор, илму маърифат пешвоси, юзлаб шогирдлар устози, камта-

Наврўз Аҳмадлар саройида ишлайди; муаллимлик қилиб, ўнлаб ўзбек фарзандларига китобат санъати, бадий ижод сирларини ўргатади; шеъринг анжуманларига раҳбарлик қилади. Бизнингча, «Бадоеъ-ул-вақоъ» таркибидagi ўзбекча газалларини Восифий Тошкентда яшаган пайтда ёзган.

Восифийга Тошкент иккинчи ватан бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам у бу қўна шаҳарнинг боғу роғларига бағишлаб қасидалар битган; халқнинг турмуш тарзи, касб-кори, маданияти, музика ва тасвирий санъати, меъморчилиги ҳақида тўлқинланиб ёзган. Таниқли шарқшунос, тарих фанлари доктори Бўрибой Аҳмедовнинг

давр ҳар икки халқ санъаткорлари орасида руҳий муштараклик, гоъвий бирлигининг турли қирраларини кузатамиз. Аҳмад Доғиш, Комил Хоразмий, Тошхўна Асирий ва Фурқатлар ижодидаги адолатпешалик, маърифатпарварлик, илгор илм-фани, таълим усулини тарғиб қилишда умумийлик бор.

Фуркат, Муқимий, Завқий, Боқий Риштонийларнинг Хўжаидий адабий муҳитининг забардаст вакиллари Фахрий Румоний, Тошхўна Асирий, Нозил Хўжаидий, Файёз Хўжаидий, Зуфархон Жавҳарийлар билан бевосита ижодий ҳамкорликлари, бир-бирларига битган шеъринг мактублари бунга яққол мисол бўла олади.

Бу кўтлуг анъана бизнинг кунларимизда ҳам турли авлодга мансуб ижодкорлар томонидан давом эттирилмоқда. Садриддин Айний ва Абдулло Қодирий, Мирзо Турсунзода ва Ғафур Ғулום ўрталаридаги дўстлик бунинг ёрқин мисолидир. Уйғун, Абдулла Орипов, Барот Бойқобиловларнинг шеърларида тоjik халқи ҳақида ҳароратли фикрлар мавжуд. Тоjik ёзувчиларидан Жалол Икромий, Фотиҳ Ниёзийларнинг романларида, Фазлиддин Мухаммадиевнинг «Муҳожирлар» ҳамда «Қўна одамлар» қиссасида, Ҳасан Ирфоннинг «Қосблар қулбаси» романи, Ҳабибулло Назаровнинг «41-баландлик» қиссасида ўзбек халқи фарзандлари образи зўр маҳорат билан айтилган.

Ўзбек-тоjik маданий адабий алоқалари И. С. Брагинский, Э. Поднев, С. Воҳидов, А. Сайфуллоев, М. Бақоев ўртоларида томонидан бир мунча ўрганилган. Лекин тоjik шоирларининг ўзбек тилидаги, ўзбек ижодкорларининг тоjik тилидаги асарларини ҳар томонлама муқаммал таъдиқ этиш ва нафр қилиш, ҳар икки халқ олимларининг бир-бирлари тарихи ҳақидаги фикрларини, адаблар ижодида шу халқлар фарзандлари образини яратилишини ўрганниш ҳақон галдиға вазиға бўлиб келмоқда. Икки республика адабиётшунослари бу мавзуларни биргаликда ўрганиб, илмий рисолалар яратсалар, хайрли иш бўларди.

Ўзбек ва тоjik халқлари ўртасидаги дўстлик азалий ва абадийдир. У замонар тўғрисида даврлар бўрониди тобланган, асрлар синовиға бардош берган. Унга ҳеч қандай ғаламислик, ғаразғўйлик раҳна сола олмайдик. Чунки уларнинг «Куйласа — чолғуси бир, йиғласа — қайғуси бир».

Биз ана шу улуг дўстлигининг ворислари сифатида уни юрак тўрида ҳамиша сақлашимиз зарурдир.

Ҳ. ҲОМИДОВ,
доцент.

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ

рин инсон сифатида тасвирлайди: устози билан ўзи ўртасидаги маънавий бирлик, ижодий ҳамжиҳатликка ишора қилади. Навоий ҳам Жомий маслаҳати билан барча шеърларини тўллаб тўрт девондан иборат «Хазойинул маоний»ни тузади, Жомий билан дўстлиги хусусида «Хамсатул мутахййирин» асарини ёзади, устозининг «Чилхадис», «Насойимул муҳаббат» асарларининг ўзбекча нусхаларини яратади. Бугина эмас, Навоий ўша даврда Ҳиротда яшаб ижод этган Котибий, Хотийфий, Атоллол Махмуди Хусайний, Восифий сингари ўнлаб форсигўй қаламқашларга маънавий раҳнамолик қилган, моддий ёрдам берган.

Зайниддин Махмуд Восифий Жомий ва Навоийларнинг назари тушган, гениал ўзбек шоирининг мададидан баҳраманд бўлган тоjik адибидир. Ўн икки шайрлигида-ёқ Навоий муаммо ечишдаги қобилиятини тан олган Восифий кейинчалик «Бадоеъ-ул-вақоъ» асарида устози хусусида қўп илқил гапларни ёзган, Навоий ҳақидаги халқ ҳикоятларини тўплаган. Восифий ҳам тоjik-ўзбек адабий-маданий ҳамкорлиги тарихида муҳим ўрин тутди. Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, Восифий ўзбек ҳонадонига яқин бир киши бўлган, умрининг яқин 20 йилини Тошкентда ўтказди. У Тошкент ҳокимлари Келдимухаммадхон ва

аниқлашчи, тоjik фарзанди Восифийнинг ҳоқи Шайхантаҳур қабристониди экан.

Заҳриддин Мухаммад Бобур ва Абулғо-зи Баҳодирхон асарларида ҳам ўзбек ва тоjik халқлари ўртасидаги ҳамкорлиқнинг айрим жиҳатларини аниқлашга қўмаклашадиган далиллар мавжуд. Ажойиб лирик шоир, олим ва давлат арбоби Бобур ўзининг мемуар характеридаги асари «Бобурнома»да Ўрта Осиё ва Хуросондаги тоjikлар яшайдиган шаҳар ва манзилгоҳларини ҳам алоҳида таърифлайди.

Таниқли олим, давлат арбоби, Хива хони Абулғо-зи Баҳодирхон (XVII аср) ўзининг Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари тарихини ўрганишга бағишланган «Шажараи тароқима», «Шажараи турк» асарларида бошқа халқлар қатори тоjikларнинг тили ва тарихига доир қимматли фикрлар баён этган. Умуман Абдулғо-зининг тарихий асарларида Ўрта Осиё халқларининг этнографияси ва тарихини ўрганишда кам-ёб манбалардан ҳисобланган.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек адибининг тоjik халқи ҳаётини тасвирлашга интилиши, тоjik ижодкорининг ўзбек халқи ҳаётини ўз асарларида акс эттиришга мойиллиги қадимий анъанадир. Ана шу анъана XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб янада кучаяди. Биз бу



Шу кунларда Ўзбек совет адабиётининг атоқли намоийдаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллиги бўтун республикамизда, шу жумладан шаҳримизда ҳам кенг нишонланмоқда. Театрларда эса драматург қаламиға мансуб саҳна асарлари намоийш этилмоқда.

Ҳамза районидидаги 230-мактабда шоир юбилейига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Мактабнинг 6-синф ўқувчилари шоир шеърларидан ўқиб беришди. Юқори синф ўқувчилари эса «Бой ила хизматчи» драмасидан парчалар намоийш этишди.

СУРАТЛАРДА: 10-«Б» синф ўқувчилари асардан парча қўйишаётган пайт.

Р. Шарипов фотолари.



Шахсий фикр

Т О М остидаги муаммолар

Янги Тошкент қураимиз деб унинг асрлар мобайнида шаклланган қиёфасига анча зарар етказилди. Тарихий обидалар бўзиб юборилди, ариқ ва зовулар ишдан чиқди. Маъмулотларга қўра Тошкент шаҳрида XX асрнинг бошларида 3 мингга яқин мадраса ва мақбаралар, саройлар, бетақор ҳаммомлар мавжуд бўлган. Чунончи, Чорсу ҳаммоми, Эшонқул мадрасаси, Баланд масжид, Оқ масжид, Шайхонтоҳур меъморчилик комплекси... Улар халқ усталарининг санъатига қўйилган обидалар эмасиди?

Чорсудаги ҳаммом конструкцияси, истилоҳи ва каллиграфияси ечими ўзига ҳослиги билан Ўрта Осиёдаги ноёб қурилардан ҳисобланарди. Бузиш айниқса, 60-70 йилларда беавр бўлди. Тўғри, 1966 йил Тошкент элзвланис шаҳарга катта эиён етказди. Бошпанасиз қўлган минг-минггаб кишилар учун шойишнинг уй қурилиш керак эди. Аммо бунда минг йиллар мобайнида шаклланиб келган шаҳар тузилиши ва қиёбаси унинг тарихий топонимикаси ҳисобга олинса бўлмасиди?

Бугун эса чала бузилган уйлар, йиллаб битмай ётган қанчадан-қанча объектлар шаҳар қиёбасининг характерли белгисига айланди. Шуларни лойиҳачи-у қурувчиға айтласа, улар ҳадеб эзилганини катта талафот қўрсатганини вақ қилишди. Шундай ўртоқларга варшавалиқлар жасоратини эслаттим, немис-фашист газандалари ер билан яқсон қилиб, тупроққа айлантириб ташлаган шаҳарни мавжуд чизма ва лойиҳалар, сақланиб қолган тош парчаларини йиғиб қайта тиклаганликларини намуна қилиб қўрсатгим келди. Ана ватанларварлик, ўз шаҳриға ҳурмат, садоқат, меҳр! Ленинграддаги Петр саройи, Пушкин, Павловск каби қатор шаҳарлар ҳам ўз ҳолиға келтирилди.

Польша Халқ Республикасида бўлганмида у ердаги саранжом-сарнишалик, озодалик, кишиларнинг ўтмиш ёдгорликларига бўлган ҳуқуқ муқаббатлари мени ҳайратга солди. Оддий қудуқ дейсизми, баққолининг ёғдоҳдан қурилган муъжазгина «Дюконими, қачонлардир ёғдоҳзилган тош йўл парк-боғлар, сунтий зовулар ҳаммаси кишиларнинг қалб ҳарорати ва меҳрибонона муҳофазасига олинган.

Кизимерш шаҳарчасининг планига мувофиқ бош майдоннинг ёнбағридаги бўш жойға янги бино қуриш учун қавиш ишлари бошлаб юборилганда қадимий даврга оид қўнғар қолдиқлари чиқиб қолган. Шунда ишлардарҳол тўхтатилди, мутлаҳассислар томонидан синчиқлаб ўрганилди, ертўла қисмлари ўз ҳолиға келтирилиб муҳофазига олинган, қурилиш давом эттирилган. Бугунги кунда шу қаср ҳам шаҳарнинг севилим қадамжоларидан бириға айлантирилган.

Ўтмишға, унинг ёдгорликларига ҳурмат билан қараш, эъзозлаш — инсоният камолотининг белгисидир. Бу

Н. АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент Давлат педагогика институты доценти, санъатшунослик кандидати.

Редактор

Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ЯНГИ БИЛИМ

МАСКАНИ

«Сергели-16» массивида замонавий мактаб бинос қурилиши мадҳияли билан бормоқда.

Бино лойиҳаси «Ташгипрогор» институти ҳодимлари томонидан тайёрланган. 1 минг 568 ўринли бу мактаб 33 синфдан иборат бўлиб, ўнлаб ошхона ва буфет, ўқувчиларни жисмонан чиқариш учун иккинчи спорт зали мавжуд бўлади.

Қурилиш ишларини 159-трестга қарашли 8-қурилиш бошқармасининг К. Раҳимов ва Н. Зубинин етакчилиги қилётган комплекс бригадаси аъзолари олиб бормоқда.

Бунёдкорларнинг имкониятлардан тўғри фойдаланиши ва меҳнат беллашувини тўғри ташкил этганлиги ўз самарасини берди. К. Раҳимов коллектив февраль ойи топириқларини муддатидан олдин бажаришға эришди. Улар 628 минг сўмлик ўрниға 673 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалға оширдилар.

БИРЛАШМАДА

САВДО ЯРМАРКАСИ

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида очилган савдо ярмаркасиға кеча республикамиздаги мебель тайёрловчи корхоналарнинг вакиллари таъриф буюрдилар. Улар турдош корхоналарда тайёрланган бўмлар билан танишгани қолай, қўрағизға ўз маҳсуотларини ҳам тавсия этишлар. Шунингдек, бу ерда мебель маҳсуотлари билан савдо қилувчи бир нечта магазинлар билан 1990 йилда ҳамкорлик алоқаларини давом эттириш мақсидида шартнома ишлаб чиқилди.

Ғ. ЮСУПОВ.



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида бал рақсларининг «Биллур бошмоқча»-89» конкурси бўлиб ўтди.

Ана шу байрамда Тошкент, Чирчиқ, Андижон, Қўрағиз ва бошқа шаҳарлардан

қирқ жуфтдан эиёд рақс ўсталари иштирок эштиди.

СУРАТДА: рақс жуфтларининг чиқиши.

А. Кошкин фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

27 март—Халқаро театр куни

ИЛОҲИЙ ВА МЎЪЖИЗАКОР ЖОЙ

Ўзбек давлат «Ёш гвардия» театрининг актёри Ҳожинакбар Нурматовни оқшомхонларга таништиришнинг ҳоҷати бўлмаса керак. Бу истеъдодли артист кино ва театрдаги ўнлаб роллари, юзлаб дубляжларда берган овоз билан ўзбек санъати илҳомландарига яхши таниш, яратётган образларни кўпчиликка манзур бўлаётган ижодкор. Халққа манзур бўлиш эса осон иш эмас. Унинг замирида қанчалар меҳнат, маржон-маржон тўкилган пешона терлари ётади.

Унинг бўш кўни йўқ ҳисоб. Ҳар кўни изланишда, ҳаёт йўли ижоднинг машаққатли сўқмоқларида. Шунинг учун ҳам у кишини топиш осон бўлмади. Бир қарасангиз театрда репетицияда, бир қарасангиз радиода, кейин киностудияда... Бундай қараганда, булар бир одамға кўпдек туюлади. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрилса актёр бахти шунда деган ҳулосаға келади киши.

— Ҳожинакбар ака, суҳбатимизни анъанавий савол билан бошласак: санъат даргоҳиға кириб келишингиз, биринчи ўйланган ролингиз...

— Майли, бир текисда кетгани маънул. Одам қалаймайди. Санъатға қизиқишнинг кўп қатори — мактабдан бошланган. Октябрь районидаги 76-мактабда ўқиб юрган кезларим битирувчи синфларнинг хайрлашув кечаларида спектакллардан парчалар қўйиб юрардим. Қизиқниш иштиёққа айланди, 1964 йили Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига ўқишға кирдим. Институтда Н. И. Тимофеева, Н. Алиева ва Т. Хўжаев каби устозлардан таҳсил олганман.

Биринчи ўйланган ролим — Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрида Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида Мўмин Мирзо образи бўлган.

— Илгари театр дейишса, чекка кишлоқлардан одамлар араваларда келишарди. Ҳозир эса қандайдир узлиш бордек. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Ҳамма гап шундаки, театр тутган йўл томошабин қалбиға йўл топа олсин. Агар томошабин билан саҳна ўртасида узлиш бўлса, бу бизнинг ҳатомиз. Чунки у ўзига ёқганини қўради. Ёқмаганини зўрлаб қўрсатолмайсиз.

Яна бир сабаби, драматургиянинг

паҷоқлиғи. Ёзувчи халқнинг юрағига етиб борадиган пьеса ёзса, томошабин албатта келади.

— «Ёш гвардия» театри репертуарида «Драматик актёрлар қўйлайди» деган эълон пайдо бўлди... Унинг ижодий ҳосияти борми ёки одамларни театрга жалб қилиши?

— Албатта ижодий ҳосияти бор. Драматик актёр қўйлай билиши шарт. Масалан, Москвадаги «Ленин комсомол» театрининг ҳар бир артисти қўшқич айтишни билади. Мақсад, қўшқич орқали бор дардимизни айтмиш. Томошабинлар қўлаб келишлати. Демак, манзур бўлгати.

— Айтишларига қараганда Абзор Ҳидоятлов, Шукр Бурхонзо, Олим Хўжаев каби улкан санъаткорлар спектакль бошлангичидан уч-тўрт соат бурун театрга келиб жиддий тайёриланган экан...

— Олдингизга тўшунтирганда, ҳамма актёр ҳар хил. Ҳақиқатан ҳам улар эрта келиб ролға тайёриланарди. Уларнинг иш методи шундай бўлган. Мен ҳам Протасовни ўйанганмида («Тирик мурда», Толстой асари) театрга 4-5 соат олдин келардим. Ҳозир вақт бошчанча. Эндики актёрлар саҳна очилишидан бир соат олдин келиб тайёргарлик қўришади. Ва бемалол улгуришади. Мабоодо ўйнайдиган ролинг спектакль мақсётини кўтарса шундай қилиш керак. Бўлмаса ҳоҷати йўқ.

— Театрининг миллийлиги ҳақида

қандай фикрдасиз?

— Театр — миллиятнинг, халқимизнинг, маданиятининг кўзгусидир. У тарбия ўчоғидир. Доҳиймиз В. И. Лениндан «Черковни, маичларини йўқ қилса, худого ишонмасак қасерға борамиз ва кимға ишонмасиз?» деб сўрашганида, у: «Театрга бориш керак, театрга ишониш керак. Чунки театр илохий ва мўъжазакор жой», деган экан. Театр халқнинг орузумидини, тарихини қўрсатадиган, кўтлуг жойдир.

— Сиз яратган образлар ичиди энг қадрлиси?

— Театрда 60 дан эиёд, телевидениеда 100 дан ортёқ образ яратдим. Дубляжда 1000 га яқин овоз бердим. Шуларнинг ҳаммаси мен учун қадрли.

— Фарзандларингиздан бирортаси актёр бўлишини истайсизми?

— Ҳазимга қолса, йўқ дердим. Қайси ота боласига машаққатли касбни раво қўради. Лекин, қобилияти бўлса, санъатта ўз йўлини топиб кирса рози бўлардим.

— Сизни ташвишлантираётган ўйлар?

— Армоним ҳам, орузум ҳам қўп. Халқимни бирдек эиёли қўришни истайман. Олдингиза қўйган мақсадим — яратган образлар орқали қалбларға яхшилик уруғини сеппи.

Сухбатчи Р. БОБОМУҲАМЕДОВ

ёзиб олди.



ДОРИХОНА

КЕНГАЙМОҚДА

● Аслида бу бини сабабот маҳсулотларидан бири савдо қилишға мўлжаллаб қурилган эди. Лекин дўстликнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб бу ерда Сергели райониға қарашли 95-дорихона очилди. Ана шунгға ҳам ўн беш йил бўлибди. Ўша пайтда бини шойишнинг равишда, егил-елли ремонт қилиниб, дорихонаға мослаштирилганди.

Ҳозир дорихона биносини кенгайтиришға қарор қилинди. Бу ерда ҳодимлар учун ечиниш, кийиниш, аёллар учун гигиена хонаси, ошхона, душхона қурилмақда.

Кўз дориларини тайёрлаш учун стерильни хонаси қуришға алоҳида эътибор берилмоқда.

Шаҳар уй-жой ва ерларни планлаштириш ташкилотининг руҳсати билан 2,5 сотих ер ҳоқли саҳни қилиб ажратилди. Бу ерда матеериаллар сақланидиган маҳсул хона, керакли бўмлар, шишаларнинг турши учун ҳосилнинг ҳар икки томонида дастирма қўриб 360 квадрат метр саҳни том усти тузука қилиб ёниб чиқилди. Ҳизматчиларнинг ёзда ишлаш шароитларини яхшилаш мақсидида 3 та холоидильни ва 5 та кондиционер ўрнатилди.

— Биз ҳам ободонлаштириш ишларига ҳисса қўишға ҳаракат қилмоқдамиз, дорихона олдиндаги 70 сотихча ер ташлангичи ҳолда ётарди, — дейди дорихона мудир У. Пўлатов. — Бу ер ўзлаштирилди. Баҳор келиши билан 20 тул олма, 8 тул ўрик, 8 тул олхўри сингари мевали дарахт қўчатлари экилди.

Н. РИХСНЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

УГАНДАДА ФИЛЛАР КАМАЙИШ КЕТМОҚДА
Бранконьерлар филларни бугунги суръатларда қиршини давом эттираверсалар, яқинда угандалиқлар бу маҳлуларни фақат ҳайвонот боғидиғагина қўрадилар. Рейтер агентлигининг мухбирига Уганда энология институтининг директори Эрик Эдром хабар қилганидек, 60-йилларда 20 мингта бўлган ана шу жониворлар ҳозир мамлакатда аттиг бир ярим.иники мингтагина қолган. Угандада диктатор Иди Амин ҳокимият тепасига келган вақтда саванна паҳлавонлари айниқса кўп қирилиб кетди. Ўша пайтдаги режим армиясининг солдатлари бойлик кетидан қувиб фил ва қарнидонларни қирса бошладилар. Оқ ва қора қарнидонларни мутлақо қириб юбордилар. Уганда гарбидиғи Рувензорий миллий паркида 1972 йилда сал нам 3 мингта фил бор эди. 1980 йилға келиб эса улар аттиг 152 та қолди. Кўпгина ҳайвонлар форма нийган бранконьерлардан қочиб, қўшни Заирға кетиб қолганди. Ҳокимият тепасига миллий шаршилик ҳаракати келиб, бу районда аҳоил барқарорлашганидан сўнг, «қочқонлар» қайта бошлади. Ҳозир қирғиҳонада қарийб 500 та фил бор.

Аммо ҳуқуматта қарши 69-лиималар иш қўраётган районларда эса филлар ҳамон ишонилга олинмоқда. Масалан, Уганда шимолдаги Мачисон-Фолс қирғиҳонасида бранконьерлар оғига 10-15 тадан жониворни ўқдиришмоқда, дейди Эрик Эдром. Маъмурларнинг таҳмин қилишича, исёнчиларнинг фил суғийни сотишдан тушган фойдаға қурол-роғу ва ҳарбий анжумалар сотиб олишмоқда. Қирғиҳона районидаги муркан-баб вазият ҳатто олимларға ҳам у ерда қ

Пассажи́рлар диққатиға!

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ва пассажир қатновини комплекс тадқиқ этиш мақсадларида

27 МАРТДАН БОШЛАБ

ҚУЙДАГИ ТРОЛЛЕЙБУС ВА ТРАМВАЙ МАРШ-РУТЛАРИНИНГ ХАРАКАТИ
**ЯНГИЧА ТАРТИБДА
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**

— 21-ТРОЛЛЕЙБУС маршрутининг ҳаракати ўзгартирилиб, «ОЛОЙ» ВОЗОРИ — ИШЧИЛАР ШАҲАР-ЧАСИ» ораллигида — «Ганга» магазини орқали ташкил этилади;

— 10-ТРАМВАЙ маршрутининг ҳаракати қисқартирилиб, «ОВРАЗЦОВ КЎЧАСИ» — ИШЧИЛАР ШАҲАР-ЧАСИ» ораллигида ташкил этилади.

— 10, 27-ТРАМВАЙ маршрути трассаси бўйлаб янги 19-трамвай маршрути очилади ва у «ЦУМ — ҚО-РАҚАМИШ 2/5 МАССИВИ» ораллигида қатнайди.

Справклар учун телефонлар: 34-82-99, 34-82-87.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ ИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Водопровод тармоғи қурилиши ва Куйбишев шоссесининг ёпилиши муносабати билан

28 МАРТДАН 1 СЕНТЯБРГАЧА
МУНИС КЎЧАСИДАН БОШЛАБ ҚЎЙЛИҚ ВОЗОРИ-ГАЧА БУЛГАН УЧАСТКАДА

АВТОБУС МАРШРУТЛАРИНИНГ ХАРАКАТИ
ЎЗГАРАДИ ВА УЛАР ҚУЙДАГИ ТАРТИБДА
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

— 15-АВТОБУС МАРШРУТИ — 1-Қўйлиқ массиви-дан Мунис кўчаси, Куйбишев шоссеси ва у ёнга маршрут бўйича ташкил этилади;

— 45-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати Қўй-лиқ бозоридан бошлаб қисқартирилиб, «3-Қўй-лиқ» — Тўқимачилик комбинати» ораллигида ташкил этилади;

— 104-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати Қўйлиқ бозоридан бошлаб Ҳалқа йўли бўйлаб ва у ёнга маршрут бўйича ташкил қилинади;

— 81-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати Куйбишев шоссесидан Жарқўрғон кўчаси томонидан 3. Шамсутди-динова, Стронель кўчалари бўйлаб 1-уйсозлик ком-бинатига ташкил этилади;

— 183-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати Куйби-шев шоссесидан Мунис кўчаси, Ҳалқа йўли бўйлаб ва у ёнга Наримонов шаҳрига ташкил этилади;

— 12, 68-«» АВТОБУС МАРШРУТЛАРИНИНГ ҳара-кати бирлаштирилади. Автобус 12-маршрут бўйича Қўй-лиқ бозоридан 1-уйсозлик комбинати орқали Инқилоб хибонига қатнайди;

— 37-«» АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати Қўй-лиқ бозоридан Ҳалқа йўли, Ким Пен-Хва кўчаси бўйлаб 4-Қўйлиқ массиви орқали ва у ёнга маршрут бўйича ташкил этилади;

— 55-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати — 1-Қўй-лиқ массивидан Ҳалқа йўли, Ким Пен-Хва кўчаси бўйлаб ва у ёнга маршрут бўйича ташкил этилади;

— 111-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҳаракати 4-Қўй-лиқ массивидан 6-Қўйлиқ массивига узайтирилади.

МАРШРУТЛИ ТАКСИЛАР:

— 11-МАРШРУТЛИ ТАКСИНИНГ ҳаракати 4-Қўйлиқ массивидан 6-Қўйлиқ массивига узайтирилади;

— 31-МАРШРУТЛИ ТАКСИНИНГ ҳаракати 6-Қўйлиқ массивидан Ҳалқа йўли, Ким Пен-Хва, Чикова кўчалари, Куйбишев шоссеси, 3. Шамсутдинова, Стронель кўча-лари бўйлаб Ҳалқа йўлига чиқиш билан у ёнга «Янгибод» массивига ташкил этилади;

— 155-МАРШРУТЛИ ТАКСИНИНГ ҳаракати Медици-на қисмидан бошлаб Ҳалқа йўли бўйлаб 1-уйсозлик ком-бинати орқали 3. Шамсутдинова кўчаси, Куйбишев шос-сеси ва у ёнга «Ленин номидаги майдон»га ташкил этилади.

Справклар учун телефон: 44-35-59.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ-НИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ ИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИ-ВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

ДИҚҚАТ!

Сув ўтиш йўллари ва водопровод тармоқларида ремонт-профилактика ишлари олиб борилиши, шунингдек 1989 йил баҳори-ёзи мавсумига тайёргарлик кўриш муносаба-ти билан

«Водоканал» трести
маълум қилади

ШАҲАР ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИДА ҚУЙ-ДАГИ МУДДАТЛАРДА

СОВУҚ СУВ БУЛМАЙДИ ВА СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ.

28 МАРТ СОАТ 9 ДАН 29 МАРТ СОАТ 21.00 ГАЧА
Фрунзе районидagi Краснодон кўчасига туташган уй-жойларда; Ҳамза районидagi Лисунов массиви, 1—4 квар-таллар, «Галабанин» 40 йиллиги» турар жой массиви, 1-квартал, «Гўзал» маҳалласи, «Янгибод» массивидagi айрим уй-жойларда; Чилонзор районидagi Маираб, Хо-сийлот, Иқтисод, Бобоход кўчаларига туташган уй-жой-ларда, «Мевазор» маҳалласида совуқ сув бўлмайди;

Чилонзор массиви, 16, 17-кварталлар, Б. Хмельницкий кўчасига туташган турар жой сектори ва саноат корхона-ларида; Фрунзе райони, Ҳамза районининг Лисунов мас-сиви, 1-«а» квартал ва «Янгибод» массивида сув босими камаяди.

29 МАРТ СОАТ 9 ДАН 30 МАРТ 21.00 ГАЧА

— Циолковский, Ново-Ульяновский кўчаларига туташ-ган турар жой массивларида, Марказ-1 микрорайони, Марказ-2 микрорайони, Куйбишев районининг М. Горь-кий проспекти, Догистон кўчасига туташган уй-жой сек-торларида, Генерал Петров турар жой массивида совуқ сув бўлмайди ва сув босими камаяди;

— «Ташсельмаш» массивида совуқ сув босими камая-ди.

30 МАРТ СОАТ 9 ДАН 31 МАРТ СОАТ 9.00 ГАЧА
— Фрунзе районидagi Шпилюков ва Театральный про-еёлларидаги уй-жойларда совуқ сув бўлмайди.

Фрунзе районининг Б. Хмельницкий кўчаси бўйлаб Буржикар ахширидан тортиб Педагогический кўчасига-ча бўлган қисмидаги уй-жой секторида совуқ сув босими ка-маяди.

31 МАРТ СОАТ 9 ДАН 1 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА
— Навоий кўчасига туташган барча ташкилотлар ва уй-жойларда совуқ сув бўлмайди.

1 АПРЕЛЬ СОАТ 21 ДАН 2 АПРЕЛЬ СОАТ 21.00 ГАЧА
— Чоптепа кўчаси бўйлаб жойлашган хусусий сек-торда совуқ сув бўлмайди;

— Чилонзор массиви, 19, 20-кварталларда совуқ сув бўлмайди ва сув босими камаяди.

СУВ БУЛМАГАН ЖОЙЛАРГА АВТОВОДОВОЗЛАР-ДА СУВ ЮБОРИЛАДИ.

Справклар учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛИ ҚОШИДАГИ
ПОЧТАМТ

Республика газета-журнал экспедицияси (РГЖЭ)

газета цехи учун

сараловчилар ва матбуот операторлари

тайёрлов курсларида

қабул эълон қилади

Ўқинш муддати — бир ой.

ИШ СМЕНАЛИ, Тунги соатларда ишлаганлик учун
маошининг 40 проценти миқдоридида қўшимча ҳақ тўлана-ди.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга жойлашган
газета цехининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 12-уй. (илга-рини Свердлов номли концерт зали олдида). Телефон —
33-70-09.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг

архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА

ШАҲАРНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ

«ТАШГИПРОГОР»

конкурс асосида

19 апрелда

институт директори лавозинига

САЙЛОВ ЎТКАЗАДИ

Конкурсда олий техника, архитектура ёки инженер-иқтисодчи маълумотига эга бўлган, тегишли иш соҳасида раҳбарлик лавозинида камида 5 йил ишлаган, Тошкент шаҳрида яшаб турувчи кишилар қатнаша олади.

Конкурс комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топши-риш лозим: конкурсда қатнашиш ҳақидаги ариза, кадр-ларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, меҳнат дафтар-часидан кўчирма, институтни ривожлантириш программа-си.

Ҳужжатларни топшириш муддати — 6 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700011.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 40-уй, кадрлар бўлими.
Справклар учун телефонлар: 42-24-54, 42-18-56.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА
КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

енгил, юк автомобилларида, шунингдек прицепли ва
ярым прицебли автомобилларда ишлаш ҳуқуқини берувчи
барча категориялари, Тошкент шаҳри ва Тошкент об-ластининг Коммунистик районида пропискада турувчи 1,
2, 3-класс ҳайдовчиларини

4- АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

ИШГА
ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ

Пропиcкада бўлмаган кишилар прописказига ўтказилади
ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

МЕҲНАТГА ИШБАИ ТАРЗИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Справклар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қи-линсин:

Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй, аҳолини
ишга жойлаштириш маркази ёки аҳолини ишга жойлаш-тириш Ҳамза район бўлими — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

«Заря» тавсия қилади

«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИДА ХАРИДОРЛАР ДИҚҚА-ТИГА ҲАВОЛА ЭТИЛАЁТГАН АЁЛЛАР КИЙИМЛАРИНИНГ
КУЗГИ-КИШИ ВА ЭРТА БАҲОРГИ МАВСУМБОП МОДЕЛЛА-РИ ЭНГ НОЗИКТАБ АЁЛЛАРГА ҲАМ ЕКИШИ ШУБҲАСИЗ.

Ёшлар, Сизлар учун!

Фасони ҳам, бичиқ элементлари-ю безатилиши ҳам чи-ройли бўлган нимпальто ва калта пўстинлар мода йуна-лишидаги заррвача ўзгаришларга ҳам сезгирлик билан му-носабатда бўлувчи ёшларимизга аталган.

Тўғри бичиқли юбкали нимпальто, қайтарма ёқали ва лацканли. Ёнгича эса — қўлтиқ ва елка чоки узайтирил-ган. Ён томонларида белбоғли очиқ чок бўлиб, юбкаси ён чокларсиз, беллида майин бурмалари бор. Баҳоси — 161 сўм.

Сунъий мўйнадан тикилган калта пўстинлар. «Шалька» ёқали, енгича эса йўрма чокли. Ранглари: қоплон тусли (баҳоси — 135 сўм) ва зебра тусли (128 сўм).

КЛАССИК ЎСЛУБИНИ ЁҚИТУВИЛАРГА —

қўлранг драпдан тикилган тўғри бичиқли пальтолар тавсия этилади. «Шалька» кўринишдаги норка ёқали бу пальтонинг енгилари йўрма чокли, алоҳида планкали. Ба-ҳоси — 234 сўм.



Магазин Космонавтлар проспектидаги 41-уйда жойлаш-ган (метронинг «Ойбек» станцияси). Шунингдек, 57-ав-тобус ҳамда 32-маршрут таксисида ҳам борса бўлади.
Иш соатлари: соат 10 дан 19 гача, танаффус — соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз.

«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

Гражданлар диққатиға!

ЭСДА ТУТИНГ. КРАН ВА ЖЎМРАКЛАРДАН СУВ
СИЛҚИВ ТУРИШИ КВАРТИРАНИНГ СУВ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШНИ ҚИЙИНЛАШТИРАДИ. СУВДАН
ФЙДАЛАНИШ УЧУН ТЎЛАНДИГАН ҲАҚ МИҚДО-РИНИ ОШИРИВ ЮБОРАДИ.

Фойдаланиб бўлган, кранларни маҳкам беркитинг.
Томорқа участкалари ва яшил ниҳолларни, йўлчаларни,
ҳовлиларни, майдон ва хибонларни водопровод билан
сугориш ва водопровод сувини сеппиш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Сугориш учун водопровод сувидан фойдаланилаётган-лиги ҳолларига дуч келинган тақдирда қўшимча оғоҳлан-тирмай туриб водопровод тармоғи беркитиб қўйилади.

Қўчалардан ўтган сув шохобчаларидан сув оқиб тур-ганини кўриб бепарво ўтиб кетманг.

ВОДОПРОВОДДА НОСОЗЛИКНИ, ЕР ОСТИДАН СУВ
ЧИҚИВ ТУРГАНИНИ ЕКИ КЎЧАДА ЖОЙЛАШГАН
КОЛОНКА НОСОЗЛИГИНИ КЎРГАН ТАҚДИРДА
ҚУЙДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ХАВАР
ҚИЛИНГ:

ҲАМЗА ВА ЛЕНИН РАЙОНЛАРИ — 96-32-51, 96-24-32.

СОБИР РАҲИМОВ ВА ОКТЯБРЬ РАЙОНЛАРИ — 46-03-85, 46-03-84.

КИРОВ РАЙОНИ — 35-14-02, 35-04-01.
ФРУНЗЕ ВА СЕРГЕЛИ РАЙОНЛАРИ — 58-36-42, 58-32-93.

АКМАЛ ИКРОМОВ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ — 74-57-69, 74-58-49.

МАРКАЗИЙ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ — 33-15-95, 33-75-95.

Водопровод сувидан фойдаланганлик ва шаҳар канали-зацияси хизмати ҳақларини ўз муддатида тўлаб бориш лозим.

Водопровод сувидан фойдаланганлик учун тўлов қар-ларини узмаган абонентларнинг водопроводлари қўшимча оғоҳлантирмай туриб беркитиб қўйилади.

ҚЎЧАЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ВОДОПРОВОД-КАНАЛИ-ЗАЦИЯ ҚУДУҚЛАРИНИНГ КОПҚОҚЛАРИНИ ОЧИШ
ВА УЛАРНИНГ ИЧИГА ТУШИШ ҚАТЪИЯН ТАҚИ-ЛАНАДИ.

ҚУДУҚЛАРДА КИШИ ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИ ЗА-ҲАРЛИ ГАЗЛАР ТЎПЛАНИВ ҚОЛГАН ВЎЛИШИ
ЎҲТИМОЛДАН ҲОЛИ ЭМАС.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА
ЙЎЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ«ОЛИИ МАТЕМАТИКА» КАФЕДРАСИ
МАКТАВ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ

КУНЛАРИДА

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг юқори синф
ўқувчилари учун

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КҮННИНГ 119
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

АНЪАНАВИЙ XVI МАТЕМАТИКА

ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Олимпиадада 9 ва 10 синфларнинг барча истаган ўқу-вчилари қатнаша олади. Олимпиадани пухта ташкил
этиш учун институтнинг олий математика кафедрасида
олдиндан рўйхатдан ўттиши сўраймиз.

ОЛИМПИАДАНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

ВА ВАҚТИ:

I ТУР ҒОЛИБЛАРИ II ТУРГА ҚУЙИЛАДИ.

II ТУР — 30 март соат 9.30 да.

I ТУР ҒОЛИБЛАРИ II ТУРГА ҚУЙИЛАДИ.

Олимпиада ғолибларини ёрликлар, қимматбаҳо совға-лар, совринлар кутмоқда.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси,
32-уй, 3-қават, 109, 112-хоналар (метронинг «Октябрь
инқилоби» станцияси). Телефон: 33-79-44, олимпиада
ташкилий комитети.

Сопол буюмлар жозибаси

Одатда квартира даҳ-лиздан бошланади, дейи-шади. Албатта бу меҳ-монлар учун холос. Оила аъзолари учун эса у ош-хонадан бошланади. Қў-пинча ана шу ерда биз нонушта қиламиз, чой ичишни яхши кўра-миз.

Тор доирадаги оилавий-кенгашлар ҳам одатда уйнинг энг иссиқ ва ши-нам гўшаси ҳисобланув-чи ошхонада ўтади...

Ана шундай оилавий
«ўтириш»лар учун яра-шиқли идиш-товуқлар —
тантаналар учун мўл-жалланган нафис чинни
идишлар эмас, одми, кун-далик сопол идишлар керак бўлади.

Биз уй бекаларига
Маҳаллий саноат ми-нистрлигининг корхона-лари ишлаб чиқараётган

СОПОЛ ИДИШЛАР

ТЕРМАСИГА

ЭЪТИБОР БЕРИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Икки, тўрт ва олти ки-шилиқ мазкур термалар



ҳар хил мақсадларга —
сут, шакар, мурabbo со-лиш, чой ичиш, чучвара,
палов сузиш, салат солиш
учун мўлжалланган.

Сопол буюмлар ошхо-нангизини безатади, унга ўзига хос, кўркем қиёфа бағишлайди.

Сопол идишлар терма-лари «ШАРҚ ГУЛИ» фир-маида магазинида, ик-тисослашган «КЕРАМИ-КА» магазинида (савдо



Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК

ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 27/III да Тоҳир
ва Зухра (17.00), 28/III да Ало-вуддиннинг сеҳрли чироғи
(12.00), Этик кийган мушук
(17.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 28/III да Ҳазрати
аёл, 29/III да Тақдир эшиги,
МУКИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗ-БЕК
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕ-АТРИДА — 27/III да Гул ва
Наврўз. (премьера. 19.00).
29/III да Кампир кетармиш.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — «Ҳайвонлар цирки» ат-тракциони (11, 14, 17.00).



Кино

87 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР.

Санаёт саройи — «ПИЦЦЕ-РИЯ ОРҚАЛИ АЛОҚА» (катта
зал, 18.30, 20.45); «УЧ МУШКЕ-ТЕР МИСОЛИ» (кичик зал,
19, 21.30).

Тошкент Советининг 50 йил-лиги — «ЖОДУ ҚИЛИНГАН
ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (жуфт
соатларда ва 21.30 да).

Ватан — «КЕЙИНГИ КУН
ЭРТАЛАБ» (18, 20, 21.30).

Чайка — «ПИЦЦЕРИЯ ОРҚА-ЛИ АЛОҚА» (18.30, 21.00).

Нукус — «ҲАЙДОВЧИ ҚАР-ШИСИДАГИ ШАЙТОНЧА» (тоқ
соатларда, ўзбек тилида).

Восток — «КЕЙИНГИ КУН
ЭРТАЛАБ» (жуфт соатларда).

Қозғоғистон — «ЕВРОЙИ ТУН-ҒИЗ РАСМИ ТУШИРИЛГАН
АЕЛ СУРАТИ» (20.00, ўзбек
тилида), «ФИРТ ЕЛҒОНЧИ» (17,
19.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги —
«РУМБА» (жуфт соатларда).

Дружба — «ҚОНУНДАГИ
УҒРИЛАР» (ҳар соатда).

Тошкент Советининг 50 йил-лиги — «ЖОДУ ҚИЛИНГАН
ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (жуфт
соатлар